

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ

Яқуббаев Аваз Мадияр угли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган 310-гуруҳ
курсанти*

АННОТАЦИЯ:

Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, объекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги ҳолат, шунингдек ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Шартли қисқартмалар:

- ИИО**-ички ишлар органлари;
- ТП** – Таянч пункти;
- МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК** – Жиноят кодекси;
- ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;
- ХМҚО** – Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Профилактика инспекторининг оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларни олдини олишда кенг жамоатчилик билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш учун ривожланган давлатларнинг миллий қонунчилигини ўрганиш орқали оилатурмуш доирасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш мумкин.

Профилактика инспекторининг оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларни олдини олишда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан

хамкорлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори талаблари асосида ташкил этилади. Мазкур қарорда профилактика инспекторлари туман (шаҳар) хотинқизлар кўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари билан куйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилиши белгилаб берилган:

- аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини оширишга йўналтирилган тушунтириш ишларини ташкил этиш;
- хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- одам савдоси қурбонига айланган хотин-қизлар ва вояга етмаганларга уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишлари учун ҳар томонлама кўмак бериш;
- хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида эрта никоҳ, ўз жонига қасд қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг сабаб ва шартшароитларини ўрганиш, шунингдек, уларга йўл қўймаслик бўйича профилактика чораларини, шу жумладан, яқка тартибдаги чораларни кўриш;
- тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фуқаролар огоҳлигини, хотин-қизлар фаоллигини ошириш;
- диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш;
- жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган хотин-қизларни хотин-қизлар кўмиталари ҳамда фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида афв этиш тўғрисида таклифлар киритиш;
- озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаётган ёхуд жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шу жумладан, диний экстремистик ғоялар таъсирига тушган шахсларнинг яқин қариндошлари билан профилактика ишларини олиб бориш ва уларга кўмаклашиш .

Профилактика инспекторларининг оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича билан ҳамкорлиги куйидаги йўналишда амалга оширилади:

- кам таъминланган ёш оилаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ёлғиз яшовчи қарияларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатишни ташкил этиш ва ғамхўрлик қилиш ишларида иштирок этиш;

- оилаларда, кўни-қўшнилар ўртасида юзага келган ўзаро келишмовчиликларни маҳалла фаоллари билан биргаликда кўриб чиқиб, бартараф этиш чораларини кўриш;
 - маҳаллада уй бошлиғи, йўлак бошлиғи, кўча бошлиғи ва бошқа жамоатчилик вакилларининг фаолиятини ташкил этишдаги ишларда бевосита ташаббускорлик кўрсатиш;
 - ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш;
 - мунтазам оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларни аниқлаш;
- фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ҳамда тарбияси оғир вояга етмаганларни аниқлаш;
- оилада соғлом маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил этиш;
 - маҳаллада, оилаларда, ўқув муассасаларида хотин-қизлар ўртасида оилани мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ўтказиш;
 - носоғлом оила сифатида ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган оилалар билан яқка тартибдаги ишларни амалга ошириш;
 - баркамол авлодни тарбиялаш, уларни диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкурасидан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маънавийахлоқий муҳитни барпо қилиш борасидаги ишларни амалга ошириш;
 - маҳаллада оилавий низоларни бартараф этиш, боқувчисиз, ёлғиз қолган аёлларни ҳимоялаш, отасиз ёки онасиз қолган болалар тарбиясини назорат қилиш ишларини биргаликда олиб бориш;
 - маҳалла хотин-қизларининг кайфияти, аҳволи, ва уларнинг муаммоларини ўрганиш ва унинг ечимини топиш, амалий ёрдам кўрсатиш;
 - хотин-қизлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ишларда иштирок этиш;
 - хотин-қизлар ўртасида ноқонуний равишда диний тарғибот ишларининг олиб борилишига қарши кураш борасидаги тадбирларни биргаликда ўтказиб бориш;
 - оилавий жанжалкашларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни амалга ошириш;
 - оилавий жанжаллар оқибатида эр-хотин ўртасидаги юзага келган келишмовчилик ва ихтилофларни бартараф этиш, уларни муросага келтириш бўйича ишларни ташкил этиш;
- носоғлом оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш ҳамда жамиятга зид турмуш тарзи кечирувчи шахсларни аниқлаш;

- оиладаги жиноий зўравонликлардан азият чекувчиларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир ўтказувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни зудлик билан ички ишлар органларига етказишни таъминлаш;
- оиланинг бузулишига олиб келадиган сабабларни ўрганиш орқали оилани мустаҳкамлаш, ундаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш;
- оилани мустаҳкамлашга қаратилган ишларни ташкил этиш;
- оиладаги жиноий зўравонликнинг олдини олишнинг самарали воситаси сифатида зўравонликнинг салбий оқибатлари ҳақида тарғибот-ташвиқот профилактик суҳбатларини ўтказиб бориш;
- оиладаги ажралишларни олдини олиш борасида ўзига бириктирилган ҳудудда тарбиявий-профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш;
- оилада вояга етмаганлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи отаоналарни аниқлаш, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олишга қаратилган ишларни ташкил этиш;
- оиладаги носоғлом муҳитнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўриш;
- оилада соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоялаш;
- диний экстремизм, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек уларнинг олдини олиш, аҳолини хушёрлик ва огоҳликка даъват этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва маънавият тарғиботига оид ваколатли давлат органлари қарорларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш;
- маънавият ва маърифат ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш;
- ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавийахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» фаолиятига кўмаклашиш;
- маънавий ҳаёт, миллий онг ва кадриятлар, эътиқод ва тафаккур, кўп асрлик урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, маънавий оламни юксалтиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;
- миллий ғоя ва унинг узвий таркибий қисмлари ҳисобланган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

- миллий урф-одатлар ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳроқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни кадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли кадриятларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш;
- фуқаролар йиғини ҳудудида маънавий асосларни мустаҳкамлаш, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирларни амалга оширилишига кўмаклашиш;
- оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий тадбирларни ва бошқа тадбирларни ўтказишда давлат органларига кўмаклашиш; соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар онгида юртга садоқат, маданий меросимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоялаш, умумбашарий ва миллий байрамларни аҳоли ўртасида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қабул қилинган маънавий-маърифий дастурлар ижросини фуқаролар йиғини ҳудудида таъминлаш;
- рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;
- мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг жамиятимиз тараққиёти ва фуқаролар ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини очиқ беришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш;
- тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш.

Оила аъзолари ўртасида юзага келадиган ёки юзага келиш эҳтимоли бўлган низо ва жанжалларнинг сабабларини билиш учун, ушбу жанжаллар асосан кимлар ўртасида содир этилаётганлигини аниқлаб олиш лозим. Ушбу низо иштирокчиларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасида;
- ака ука ўртасида;
- опа-сингил ўртасида;
- фарзанд ва ота-она ўртасида;
- қариндошлар ўртасидаги низолар.

Оиладаги зўравонлик замирида кўпинча шахс устидан кулиш, ҳақоратлаш, камситиш, таҳқирлаш кабилар мавжуд бўлади. Бу, ўз навбатида, шахсда қасд ёки ўч олиш мотивининг шаклланиши ёхуд бунга жавобан жинойий хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келади. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишини тақозо этувчи шартшароитларни ўрганиш жараёнида «омил» атамасидан фойдаланамиз. Омил ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг муайян вазият ёки ҳолат таъсири остида шаклланиши ва ўзгариши натижасида оқибат келиб чиқишини таъминловчи восита вазифасини бажаради.

Айтиш жоизки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг, шу жумладан жинойятларнинг содир этилишида маълум факторлар, яъни омилларнинг таъсир этиши маълум оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу тадқиқ этилаётган ҳодисани вужудга келтирувчи бир қатор криминоген омилларнинг таъсири оилада шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида яққол кўзга ташланади.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар ўрганилиши жараёнида шу нарса маълум бўлдики, эр-хотин ҳамда оилада оила аъзолари ўртасида муносабатларнинг самимий эмаслиги ушбу зўравонликнинг содир этилишида “асосий омил” вазифасини ўтар экан. Айниқса, ушбу низоларнинг вужудга келишида низо иштирокчиларининг дунёқараши ва ҳуқуқ-атвори бир-бирига тўғри келмаслиги зўравонлик содир этилишида муҳим рол ўйнайди. Эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги низо ёки зиддиятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Оилавий ҳаётдаги низолар, хусусан, эр-хотин ўртасидаги низолар, зиддиятлар ислом илмида ҳам кенг кўламда ўрганилган бўлиб, унда низоларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда уни ислоҳ қилиш ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар баён этилади. Жумладан, муқаддас ҳадис-у шарифларимиз ва шариат нормаларини кузатадиган бўлсак, унда одамларнинг бир-бирларига яхши муносабатда бўлишлари, ёмон ишлардан сақланиши, бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлишлари, зино ва спиртли ичимлик истеъмол қилиш оғир гуноҳ эканлиги, айниқса, бир одамнинг иккинчи бир одам томонидан ҳақорат қилиниши қаттиқ қораланиб, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан жамоа олдида таъзир жазо чораси қўлланилган. Бу жазо чораси ҳар қандай салбий иллатларнинг, шу жумладан жинойятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир текисда, силлиқ, рисоладагидай кечавермайди. Уй-рўзғор юмушларини бажариш, эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлар

олдидаги мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидаги бурчларини адо этиш жараёнида шахсий манфаатлар тўқнашади. Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, келишмовчилик ва англашилмовчиликлар шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оиладаги жинсий зўравонликни келтириб чиқаради..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов.И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.